

НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдурайимов Улуғбек Бахрамович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги БТОМ тингловчиси

Нефть-газ саноатида инвестицион фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга асосланган хорижий тажрибалар асосини жаҳон нефть бозорида рақобат муҳити, мамлакатда нефть-газ саноатининг ривожланиш тенденциялари ва нефть-газ саноатининг фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган стратегик йуналишлар ташкил этади. Шу сабабли, нефть-газ саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор хорижий тажрибалар бири-бирдан тубдан фарқ қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини такомиллаштиришнинг хориж тажрибаларини шартли тартибда икки гуруҳга ажратиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

биринчи гуруҳ нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини такомиллаштиришга асосланган либерал ёндашув ҳисобланади. Ушбу тажриба ва унинг ўзига хос хусусиятлари АҚШ, Канада ва Лотин Америкаси мамлакатларига нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятини тартиблаш жараёнида амал қилади;

иккинчи гуруҳ мамлакатлар, нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятини тартиблашнинг давлат механизми ёндашувига асосланади. Ушбу тажриба Европа (Норвегия), Россия Федерацияси, Қозоғистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, нефть-газ қазиб олиш амалиётида кенг қўлланилади.

Нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини такомиллаштиришда либерал ёндашувга асосланган АҚШ тажрибасига мувофиқ, минерал ресурслар ва углеводородларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳукумат томонидан назорат қилинади. Қайта тикланадиган

захиралар мунтазам равишда қайта ҳисоблаб чиқилади, ишлаб чиқариш параметрлари тўғрисидаги маълумотлар давлат назорат органларига юборилади, улар қудуқларни бурғилаш жойлари бўйича келишиб оладилар ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш тезлигига чекловлар қўядилар. Ушбу чоратadbирлар тўғридан-тўғри ёки бевосита ер ости бойликларидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган шароитларнинг шаклланишига, шунингдек, рентабелликнинг ўсишига олиб келади (1-расм).

Нефть-қазиб олиш соҳасида олинган ижара ҳақининг кўп қисми иқдисодиётга саноат ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек доимий фондни яратиш учун йўналтирилади. У давлатга тегишли бўлган қисмда роялти ва ижара тўловидан олинадиган барча давлат даромадларининг 25 фоизини, шунингдек роялти, бонуслар, минерал ресурслар учун федерал тўловларни ўз ичига олади. Бу давлатнинг ривожланишини таъминловчи захиранинг бир тури. У жамоат эҳтиёжларини кондириш, шунингдек инфляциядан даромадларни суғурталаш учун мулжалланган.

Жамғарма маблағлари маъмурият томонидан барча аҳолининг умумий овоз беришидан сўнгги референдумида ва ушбу масалани турли сиёсий ва жамоат ташкилотларида, шунингдек матбуотда муҳокама қилишдан кейингина фойдаланилиши мумкин. Ҳар йили жамғарма даромадларининг тахминан 10% штат аҳолисига дивиденд тўлашга йўналтирилади. Ижарага солиқ солиш йиллик ижарага ажратмалар, нефтни қазиб олишдан олинадиган ижара фоизлари ва бонуслар ёрдамида амалга оширилади. Баъзи ижара шартномалари маҳсулот ишлаб чиқариш ёки фойда тақсимлаш шартномаси шаклида амалга оширилади.

Бугунги кунда АҚШ энергетика бозорида минглаб хусусий қидирув компаниялари фаолият олиб бораётган бўлиб, углеводородларни қидириш ва қазиб олиш билан боғлиқ жараёнлар патент тизими орқали тартибланади. Энергетика бозорига киришни таъминловчи қабтий монополияга қарши сиёсат маҳаллий нефть қазиб олувчиларни бозор ўзгаришларига тез ва осон мослашувчанлигини таъминлаш имкониятини беради.

АҚШ	Яқин ва Ўрта Шарқ	Европа (Норвегия мисолида)
<ul style="list-style-type: none"> • хорижий капиталдан фойдаланишда қатъий чекловлар; • самарали ҳуқуқий ёрдам; • қатъий монополияга қарши сиёсат; • марказлаштирилган тартибга солиш таъсирини кучайтириш ва ҳоказо. 	<ul style="list-style-type: none"> • нефть ва газ саноатини тўлиқ миллийлаштириш сиёсатини амалга ошириш; • трансмиллий корпорациялар ва йирик халқаро молия ташкилотлари тузилмаларига мақсадли сармоялар киритиш; • нефтни қайта ишлаш ва нефть маҳсулотларини чет элга сотиш учун инфратузилмасини яратиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • давлат томонидан тартибга солинадиган самарали бошқарув моделини шакллантириш; • миллий назорат ва нефть лойиҳаларида иштирок этиш; • нефть ишлаб чиқаришга сармоя киритиш учун хорижий молиявий ва интеллектуал ресурсларни самарали жалб этиш.

1-расм. Хорижий давлатларда нефть-газ бозорининг ривожланиш хусусиятлари.

Нефть қазиб олиш жараёнида хорижий инвесторларга нисбатан солиққа тортишнинг мослашувчан тизими шакллантирилган бўлиб, мазкур тизим солиқ ставкалари орқали тартибланиш хусусиятига эга. Солиқ имтиёзлари орасида “солиқ таътиллари”, “солиқ чегирмалари”нинг қўлланилишида роялти тизимининг амал қилиши янги нефть қудуқларини топишга доир геологик тадқиқотларни амалга ошириш жараёнини такомиллаштиради. Умумий натижа нефть қазиб олиш ҳажми ва транспорт харажатларини сезиларли тарзда пасайтириш имкониятини беради.

Шунингдек, АҚШ нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолият механизмини такомиллаштиришга доир ўзига хос тажриба нефть-газ корхоналарининг чуқур қайта ишлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари учун халқаро технологиялар трансфертини таъминловчи давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланиш жараёни орқали намоён бўлади. Натижада, соҳада трансмиллий корхоналар билан биргаликда маҳаллий инвесторлар билан ҳам турли хил самарали усулларни (маҳсулотни тақсимлаш битими, концессиялар, қўшма корхоналар, биргаликда қазиб олиш ва бошқалар) қўллаш ҳисобига интенсиф ҳамкорлик имкониятлари юзага келади.

АҚШнинг замонавий йирик нефт компаниялари тадқиқот ва ривожлантириш марказларига эга бўлиб, инвестицион жараёнларда уларнинг асосий вазифаси технологик янгиликларни яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишдан иборат. Бугунги кунда айнан шу компаниялар ўз фаолият соҳасида етакчи бўлиб, соҳанинг технологик ривожланишини белгилаб беради.

Дунё нефть-газ захиралари ва уларни қазиб олиш борасида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тажрибаси алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳолатни минтақанинг нефть-газ қазиб олиш буйича дунёда етакчи ўнликка кирганлиги ва нефть-газ саноатида қазиб олиш жараёнининг тўлиқ маҳаллийлаштирилганлиги билан асослаш мумкин.

Шу билан биргаликда бугунги кунда Яқин Шарқдаги нефть экспорт қилувчи мамлакатлар трансмиллий корпорациялар ва йирик халыаро молия институтлари орқали Ғарб иқтисодиётига инвестицияларни киритишга муваффақ бўлишмоқда.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари нефть-газ корхоналари инвестиция сиёсатида стратегик йўналишларидан бири – бу чет эл нефть компаниялари активларини сотиб олиш орқали нефтни қайта ишлаш ва нефть маҳсулотларини чет элларда сотиш учун инфратузилмани яратиш ҳисобланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва маркетинг фаолиятига йўналтирилган инвестицион жараён устидан доимий тартибда давлат назорати йўлга қўйилади.

Нефть маҳсулотларида нарх тебранишлари амплитудасининг катталиги бюджет харажатларини режалаштириш имкониятини қийинлаштиради. Бу эса мамлакатда истиқбол режаларни ишлаб чиқишда, аҳоли даромадлари ва ижтимоий соҳа ривожланишини башоратлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Ташкилий механизмдаги устуворлик инвестицияларни жалб этишга йўналтирилганлиги билан бирга, инвестицион самарадорликни ошириш жараёнига мақсадли эътибор қаратиш зарур. Айниқса, мамлакатимиз нефть-газ корхоналарига асосан, маҳсулотни қазиб олиш ва қайта ишлашда техник-технологик соҳага йўналтирилган, шунингдек ўзлаштирилиши режалаштирилаётган конлар ҳисобига инвестицион сарфлар ҳажми юкори

эканлиги алохида эътибор талаб этади. Бу ўз навбатида тармоқда инвестицион самарадорлик кўрсаткичларини доимий (мўътадил) суръатларини сақланиб қолиниши ва инвестицион риск даражасини ортиб бориш хавфини юзага келтиради. Шу сабабли, бу борада хориж тажрибасига асосланган қуйидаги ташкилий-иқтисодий механизмларни амалга оширишга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ:

- нефть-газ корхоналарининг ривожланиш векторига мувофиқ инновацион ва углеводородларни чуқур қайта ишлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари учун халқаро технологиялар трансфертини таъминловчи давлат-хусусий шерикчилик механизмидан фойдаланиш;

- соҳадаги трансмиллий корхоналар билан биргаликда маҳаллий инвесторлар билан ҳам турли хил самарали усулларни (маҳсулотни тақсимлаш битими, концессиялар, қўшма корхоналар, биргаликда қазиб олиш ва х,оказо) қўллаш ҳисобига интенсив ҳамкорликни кенгайтириш;

- давлат-хусусий шерикчилик механизмини йўлга қўйишда жамоатчиликни кенг жалб қилиш ҳисобига шаффоф танлов, аукцион ва тендерлар ўтказиш;

- нефть-газ корхоналари инвестиция лойиҳаларининг ўзаро уйғунлиги, узвийлиги, иқтисодий жихатдан самарадорлиги ва мантиқийлигини баҳолаб борувчи платформани шакллантириш;

- инвестицияларни баҳолаш бўйича ягона электрон платформанинг яратилиши инвестиция жараёнлари самарадорлиги сезиларли равишда оширади, уларни баҳолашда мустақил ва объектив карашни юзага келтиради, молиявий моделни яратилиши ва нархларни ҳисоблашда бозор механизмларига асосланган услубни шакллантириш ва бошқалар.

Хориж тажрибасидан нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини такомиллаштиришда қўллаш мумкин бўлган жихатлар сифатида лойиҳаларни бошқаришнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш, маҳаллий корхоналар билан маҳсулотни тақсимлаш битимларини имзолаш, нархларни ҳисоблашда бозор механизмларига асосланган услубни шакллантириш каби йўналишларни кўрсатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони.
2. Астанакулов О.Т., Корхоналар инвестицион фаолияти таҳлили: назария ва амалиёт, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2019 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси www.lex.uz.
4. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг расмий ахборот сайти www.ung.uz статистик маълумотлари, <https://www.ung.uz/pages-uz/investitsion-loyihalar.php>.